

**ЧЕЛЯБИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ
УЗБЕКИСТАНА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

**ТАДЖИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ КУЛЬТУРЫ И
ИСКУССТВ ИМЕНИ МИРЗО ТУРСУНЗОДА**

**ТАДЖИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ЯЗЫКОВ
ИМ. СОТИМ УЛУГЗОДА**

ГОСУДАРСТВЕННАЯ АКАДЕМИЯ ХОРЕОГРАФИИ УЗБЕКИСТАН

**РОССИЯ – УЗБЕКИСТАН – ТАДЖИКИСТАН.
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖКУЛЬТУРНЫХ
КОММУНИКАЦИЙ: СОХРАНЯЯ ПРОШЛОЕ,
СОЗДАЁМ БУДУЩЕЕ**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ ПРОФЕССОРСКО-
ПРЕПОДАВАТЕЛЬСКОГО СОСТАВА ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ
ЗАВЕДЕНИЙ РОССИИ, УЗБЕКИСТАНА И ТАДЖИКИСТАНА**

18 декабря 2021 г.

Самарканд - 2021

РАЗДЕЛ II
ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ И ПРОБЛЕМЫ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ
КОММУНИКАЦИИ И ПРОБЛЕМЫ ЛИНГВИСТИКИ.
ФОРМИРОВАНИЕ ДИСКУРСИВНОЙ СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ
КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ЯЗЫКОВОЙ
ПОДГОТОВКИ ПЕРЕВОДЧИКОВ.

XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО
МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Ахмадов О. Ш.

Бухарский государственный университет
Бухара, Республика Узбекистан

Аннотация: Ушбу мақолада Бухорода XIX аср охири-XX аср биринчи чорагида таълим-тарбия муаммоларига бағишлаб яратилган манбалар ва адабиётлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье научно исследовано на основе источников и литературы по проблемам образования и воспитания в Бухаре в конце XIX и первой четверти XX века.

Summary: In the following article the sources and literature related with the education-upbringing in Bukhara in the end of 19th first quarter of the 20th century is scientifically analyzed.

Таянч сўзлар: Манба, манбашунослик, таълим, тарбия, узлуксиз таълим, тадқиқот, мақола, дастур, тизим, анъанавий таълим, мактаб, мадраса.

Ключевые слова: Источник, источниковедение, образование, воспитание, системное образования, исследование, статья, программа, система, традиционное образование, школа, медресе.

Key words: Source, source studies, education-upbringing, chain education, study, article, program, system, nontraditional education, school, madrassa.

Бухоро амирлигида янги усул мактабларидаги таълим- тарбия амирликда XIX аср охирида вужудга келган. Янги мактабларга усули –савтия, тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган.

1911 йилнинг бошларида Мукомилддин Бурхонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилади. Ушбу мактабдаги укувчилар сони 40 нафардан ортик булган[1,20-21]. Бухородаги жадид мактаблари ичида Мукомилддин Бурхонов ташкил этган мактаб узининг жихозланиши билан ажралиб турган, унда ойналик деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги укувчини қабул қилиш, синфдан синфга кучириш, мактабни битириш катъий тартибда булган, укувчилар билимини баҳолаш 6 баллик тизим билан амалга оширилган, имтихонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошқора, намоийшқорона тарзда ўтказилган [2,86].

Бухорода Амир Олимхон томонидан амалга оширилган тадбирлардан бири - мавжуд кичик-кичик (баъзан 3-4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактабларни йирикроқ қилиб бирлаштирилиши, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланиши бўлиб, бу соҳага озроқ бўлса-да ҳукуматнинг аралашаётганлигидан далолат берар эди[3]. Бу ҳақда ўша давр матбуоти хабар қилади.

1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади[4, 260].

1912 йилнинг 9 октябрида Чоржуйда Отахўжа (Отаулла Хужаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. 1912 йилнинг бошларида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан булган Усмон Хужа жадид мактабларидан бирини қайта ташкил этади [5, 101].

Усмон Хўжа ташкил этган жадид мактабларида таълим-тарбия жараёнлари бутунлай янги тартиблар асосида йулга қуйилган эди. Болаларни ёшларига қараб синфларга булиш, бир кунда 4-5 соатдан ортик дарс утмаслик, ҳар бир дарсдан сунг 10 дақиқалик танаффус жорий қилиш, асосий эътиборни дунёвий фанларни ўқитишга қаратиш, асосан, биринчи босқичда ўқувчиларнинг саводини чиқариш, жума ва якшанба кунлари дам олишни жорий қилиш, 10

ойлик таҳсилдан сунг болаларга таътил бериш, укувчилардан вақти-вақти билан имтиҳон олиб туриш, болаларни ёруғ ва мумкин қадар шинам хоналарда уқитиб, уқитиш жараёнида кургазмали куроллар: глобус ва хариталардан фойдаланиш коидаларига эътибор каратилган.

1912 йилнинг охирларида Усмон Хужанинг қариндоши Латиф Хужа томонидан Говкушон махалласида янги мактаб очилади. Шахар савдогарлари хомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат булиб, хар бир синфда 3 та глобус, китоблар, утириш ва ёзиш учун парталар, укувчиларга бериладиган дафтарлар, укув куроллари, деворий тахта (доска) булган. Битта синфда бошлангич таълим олувчилар, иккинчисида эса олти ой таълим олганлар уқиган.

Дарсларни Усмон Хужа ва Ёш бухороликлар партияси аъзоси Мулла Гулом Қодирали олиб борган. Дарслар Самарқандда нашр этилган форс-тожик тилидаги дарсликлар асосида олиб борилган. 30 кишидан иборат икки синф укувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари булиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган.

1912 йилда Бозори Нав гузарида уқитувчи Мулло Хамидхужа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар укувчи булиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Уқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменидкий дарслиги асосида олиб борган. Куп укувчилар олти ойда рус тилида равон ёзиб ва уқиб билган Мулла Вафо мактабида 30-35 бола уқиган. Бундан ташқари яна бир қанча мактаблар фаолият курсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини козонган ва узининг келажаги порлок эканлигини курсатган [6, 7].

Айрим жадид мактабларида, масалан, Усмон Хужа, Хамидхужа Мехрий мактабларида бир неча уқитувчи ишлаган, шунинг учун педагогика кенгаши фаолият курсатган, танаффус пайтида уқитувчилар навбатчилик килишган.

Мактаблар купинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айрим холларда, уларга бой-бадавлат кишилар Хомийлик килиб туришган. Булардан ташқари, мактабларнинг таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган уқиш пули хисобидан ҳам йулга куйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунзим (Бурхонов) ташкил этган мактабда уқиш пули ойига 3 сумни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15-20 % и, асосан камбагалларнинг фарзанди булиб, улар бепул уқитилган. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, янги усул мактабида уқиш пули анъанавий мактабга нисбатан анча юкорирок булган, бу укув жараёнини ташкил этиш билан боглик эди: анъанавий мактабда 6-10 йил уқилса, янги усул мактабида 4 йил уқитилган. Жадид мактабларида уқитиш боскичлари уқитиш усуллари ва уқитиладиган фанлар аниқ булган.

Жадид мактаблари икки боскичда ташкил килинган. Биринчи боскич бошлангич, иккинчи боскич урта деб аталди. Биринчи боскичда таҳсил муддати 4 йил (1-4синфлар) булиб, биринчи йили форсча, арабча ёзув ва уқиш ўргатилган. Куръони Каримдан суралар ёд олинган. Хисоб илми ургатилган. Иккинчи йилида Хафтияк, иймон ва эътикод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар уқитилган. Учунчи йилида эса Куръони Карим, ислом ибодати, тажвид (кироат илми), Саъдийдан насихатлар (ахлоқ илми), туркий ва, форсий тил (тилшунослик илми) ургатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Хисобдан турли тақвимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртинчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, хисоб, тарих ва жуғрофия ўқитилган.

Шунингдек, жадид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, хаво, иссиқ, совуқ), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия ва хаттоки анатомия; химия ва физика элементлари) ўқитилган [7, 124].

Мирзо Абдулвоҳид мактабининг ёпилиши билан ҳам мутаассибларнинг кўнгли жойига тушмаган. Чунки Мирзо Абдулвоҳиднинг мактаби ёпилганидан кейин 50 дан ортиқ укувчилар татар мактабига кириб уқий бошлайдилар. Ушбу холга чидай олмаган бухоролик уламолар Бухоро ҳукуматига мурожаат килиб татар мактабининг ҳам ёпилишини талаб киладилар. Аввалига Бухоро ҳукумати ҳам, Россия элчихонаси ҳам бу ишни хал кила олмади, чунки татарлар Россия фуқароси булиб, улар Бухоро ҳукуматига буйсунмас эдилар. Ниҳоят, бир чорани топадилар: бухоролик болаларни уқишга олмаслик шарти билан татар мактабини ишлашига рухсат этилади [8, 213]. Шунингдек, татар мактабининг ҳам ёпиб куйилиши Бухорода норозиликни келтириб чиқарган. Бухорода яшаётган татарлар ва янги усул мактаби

тарафдорлари булган Ёш бухороликлар партияси аъзолари мактабларнинг ёпилиши хусусида шикоят мактуби тайёрлаб, уни И.Гаспиринскийга топширганлар. “Таржимон” газетасида бухоролик муллалар номига битилган очик мактублар ҳам эълон қилинади. “Русиядаги мусулмон газета ва мажаллалари, узун маколалар ёзиб, Бухоро ҳукумати ва уламосини тўғри танқидлар қила бошлади. Айниқса, хажвий “Мулла Насриддин” мажмуаси бу воқеа муносабати билан маънодор расмлар билан Бухоро уламоси хақида бир саҳифада, бир китоб маънини ифода қилтурган нарсаларни бутун саводли ва саводсизларнинг кўз олдларига қўйди”, - деб ёзган эди Садриддин Айний [8, 213].

Амирликдаги диний уламоларнинг янги усул мактабларига нисбатан муносабатларини Файзулла Хужаев куйидагича ифодалайди: “Дунё бузилди, мусулмонликдан қайтган бир неча бойлар жадид мактаблари очиб, охиста-охиста болаларимизни диндан чиқаралар. Олти ойда болаларнинг хат ва саводини чиқарсалар мадрасалар хароб булур. Дехкон болалари доно булғондан кейин амирга солиқ бермайдилар, хазина бўшаладур. Хаммамиз оч қолурмиз”[9].

Ўз вақтида амир ҳукумати ва жадидлар ўртасидаги муносабатларнинг гувоҳи булган Мирзо Салимбекнинг хотирлашича, янги усул мактабларида болалар жуда қисқа фурсатда савод чиқара боргани боис, унинг обрўи ошиб борган. Эски мактабдан купчилик юз ўгириб, муллалар, ҳарбий-сипоҳлар, савдогарлар, дўкондорлар болаларини янги мактабга ўқишга бера бошлашган. Янги усул мактабларидаги дарсликларнинг ҳаммасида диний қоидаларига алоҳида эътибор берилган эди [10, 207]. Аммо Кейинчалик бу мактабларда дунёвийлик кучайиб борган.

Янги усул мактаблари нафақат Бухоро шахрида, балки амирликнинг барча беклик ва туманларида ҳам фаолият курсатади.

1908-1912 йилларда Каркида татар болалари учун мактаб, рус тилини урганувчилар учун очилиб, кутубхоналар ишга тушади. Қори Йулдош Пулатов, Фазлиддин Махсум, Ҳожи Журакул, Абдуфаттоҳжонлар бу жараёнда фаол иштирок этишган. Амирликнинг Шахрисабз беклигида Исломкул Тўксабо ўз уйида янги усул мактаби очиб, унда ишлаш учун Тошкент ва Самарқанддан бир неча муаллимларни таклиф этган. Ушбу муаллимлар томонидан кейинчалик бир неча мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда амирликнинг Гиждувон туманида Абдул Ҳаким Хужа бир неча янги усул мактабини очишга муваффақ булган. Унинг узи очган мактаблари учун дарсликлар ёзган, ёши катталар учун кечки мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда Қоракул туманида амлоқдор Гулом Қодир билан Қози Иқром бир мактаб очиб уз болаларини ва хохловчиларнинг болаларини уқитишни ташкил этган. Бу ерда Сулаймонхужа томонидан газета тарқатилиб, китоблар келтирилиб, кутубхона иши йулга қуйилган. Шофиркон ва Вобкент туманларида ҳам ёшлар билан ишлаш, адабиётлар тарқатиш ва мактаблар очиш иши ташкил этилиб, татар муаллимларидан фойдаланилган.

Юқоридаги маълумотлардан қуриниб турибдики, янги усул мактаблари 1910, 1911, 1912, 1913 йилларда амирлик ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган, гарчанд, уларнинг ўқувчилари унчалик куп булмаса-да, янги усулдаги мактаблар тугрисидаги тасаввурни шаклланишига ҳамда аҳолининг ушбу мактабга нисбатан хайрихоҳ булишига ёрдам берган. Амирлик ҳукумати чекланган тарзда булса ҳам таълим тизимини ислох қилиш ишига бир мунча муддат эътибор беради. Садриддин Айний таъкидлаганидек, ушбу мактаблар “ним (ярим) ислох мактаблари” эди.

1912-1913 йилларда мактаб очиш, унинг уқув жараёнларини тугри ташкил этиш ишида маълум даражада силжиш кузатилган. Қози Бурҳониддин каби мутаассибларнинг Бухородан қувилиши, айрим мансабдорларнинг вазифасидан четлаштирилиши оқибатида мактаблар масаласида вақтинчалик муътадиллик вазияти юзага келади.

1912-1913 йилларда Бухоро шахрида мулло Абулқосим, Муқомолиддин Махсум, Гиёс Махсум Хусаин томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола уқишган.

Говкушон ховузи бўйида, Ховузи Арбоб гузарида мактаблар ишлай бошлайди. Пойи Остона гузарида русча ва мусулмонча мактаб очилади. Хиёбон гузарида Мирзо Исмоилбекнинг уқаси томонидан катталар учун савод чиқариш мактаби ташкил этилиб, унда хат-савод ургатиш, ҳисоб ва география уқитилади.

Бухоро шахрининг Мор Кушон ва иккинчи Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шахарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Абул Қосим мактабидаги укувчилар сони 300 нафардан ортиқ булиб, укув икки сменада олиб борилиб, дарслар Техрон (Эрон)да нашр этилган дарсликлар асосида ташкил этилган.

Бухорода жадидчилик харакатининг жонкуярларидан бири Ота Хужа Пулатхужаев (Отаулла Хужаев)дир. У маслакдошлари билан янги усул мактабини очади, бир неча ойдан сунг бу мактаб амир хукумати томонидан ёпиб куйилади. Шундай булса-да, у таъкикларга қарамай, Бухорода яширинча кечки мактаблар очишда фаол қатнашади: Абдурауф Фитратнинг ўзи ҳам 1913-1914 йилларда Ота Хужа Пулатхўжаев билан бирга Шахрисабз ва Каркида мактаблар очиш билан машгул булган.

1914 йилда Бухорода ном чиқарган, машхур Усмон Хужанинг мактабида 200 нафар, Эшон Хомид Хужанинг мактабида (Бозори Нав гузарида) 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар укувчи таълим олган. Булардан Мулла Вафонинг мактабида дарслар рус тилида олиб борилган [11, 107]. Рус тилидаги мактабга асосан, савдогар, тижоратчиларнинг болалари борган. Янги усул мактабларининг купчилигида майда савдогар ва камбагалларнинг болалари таълим олишган. Бунинг асосий сабаби-хукумат томонидан жадид мактабига тазйикўтказилиши эди. Шу боисдан бой табақа янги усул мактабидан хавфсирар эди.

1914 йилга келиб Бухородаги барча янги усул мактаблари каттик каршиликка учрайди. Амирликнинг ута мутаассиб рухонийлари жадид мактаблари хусусида шундай “фатво”беришади: “У (яъни мактаб) шариатга карши. Биринчи йилда укувчилар газета укийди, иккинчи йилда озодлик талаб килади, учинчи йилда эса олий ҳазратларини тахтдан ағдаради”.

Амирликнинг чекка ҳудудларидаги янги усул мактаблари ҳам тазйикқа учрайди. Масалан, Қоракўлдаги амалдор Ғулом Қодирнинг мактаби ҳам 1914 йилда амирнинг фармони билан ёпилади [8, 245].

1914 йилда “Ойна” журналида Мирзо Улугбек жоме масжидининг муаззини 5-6 минг киши хузурида “ким боласини усули жадид мактабига берса, ўзи кофир, хотуни талоқ”, деб айтгани ҳақида маълумот берилади.

Шунга ухшаш маълумотни “Туркистон вилояти газетаси”да учратдик. Бу маълумотда: “Баъзи уламоларнинг фикрича, усули жадидни укиган бола кофир булар эмиш. Шунинг учун болаларни у ерга юборманглар деганлар. Аммо у ерда Куръон коидалари, фарзи-айн каби ислом асослари уқитилар эди. Яна муллаларнинг баъзиси усули жадид мактабларида болалар стол-стулларда утиришини куриб, бу кофирларнинг стули дер эдилар”.

1914 йил 4 июлда амир Олимхон одатдагидек жума намозига борган пайтида мутаассиб рухонийлар янги усул мактабларини ёпиш тугрисида шикоят килишади. Қозикалон Бурҳониддин жадид мактабларини бадном килувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга каратилган куйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: “Амир мархум даврларида уламонинг фатволари билан усули жадид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги собит булиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жадидлар бош кутариб, шахарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, халқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кузғатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун узлари кузғалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар купайиб, давлати олийга зарар етиши эҳтимолдир [8,210].

1914 йилнинг 5 июлида амир Саид Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жадид мактаблари ёпилади, мактаб ташкилотчилари ва муаллимлари аксарияти шахардан чиқарилиб юборилади.

Адабиёт

1. Йулдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. - Тошкент. 1991. - № 4. - Б.20-21.
2. Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. - С.86.
3. Туркестанские ведомости, 1911. - 14 апрель.
4. Бендриков К.Е. очерки по истории народного образования в Туркистане (1865-1924). С. 260.

поколения.....	112
Саидов А., Чумъазода П.И. Инъикоси ҳавзаҳои адабии хонигарии ҳуқанд дар «Мунтахаб-уттаворих»-и Муҳаммад Ҳакимхо.....	114
Сафаралиев Б.С. К истории санитарно-просветительской работы в регионах средней Азии конца XIX - начало XX вв.....	118
Саъдуллаева К. Film-opera kino san'atining bir turi sifatida.....	123
Семенова Е. В. Основания дуальной методики диагностики смыслов активностей целевой аудитории.....	126
Степанова Т. П. Интегративный механизм управления процессами диверсификации досугового общения	130
Сувонов З. Н, Аблаева Л. Ў. Проблема понимания в межкультурном общении	134
Таушканова Ю.А., Пономарева П.А. Брендирование как инструмент продвижения художественного творчества	137
Ташкенбаев П.И. Хореографическое образование: новые рубежи сотрудничества.....	139
Толстикова В.С. Российская интеллигенция и её роль в жизни общества на рубеже XIX – XX вв.....	143
Турсунова М.Г., Тайгуншоева Ч.С. Связи с общественностью и социально-культурное развитие общества.....	148
Умаров К. Х. Комплексные процессы современного узбекского театрального искусства	156
Филимонов Л. С. Международные праздники ООН и ЮНЕСКО как система развития толерантности и идентичности современной молодежи	159
Фозилов К.Дж., Ниёзов Л.Р. Самтхо ва афзалиятҳои ҳамкорӣҳои гуманитарии Тоҷикистон ва Ўзбекистон дар марҳилаи навин.....	161
Холмуминов М.З., Колканатов А. Н. Искусство бахши – эффективный фактор международного культурного сотрудничества.....	166
Юлдашева М. Б. Роль гуманитарных дисциплин в подготовке специалистов в сфере культуры и искусства.....	170
Юсупова Р. К. Роль и значение международного сотрудничества в развитии нового Узбекистана	174

РАЗДЕЛ II

Основные аспекты и проблемы межкультурной коммуникации и проблемы лингвистики. Формирование дискурсивной социально-культурной компетенции в процессе профессионально-языковой подготовки переводчиков.

Ахмадов О. Ш. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро мактаблари фаолияти.....	177
Ахророва А. А. Актуальные проблемы межкультурной компетенции	181
Жураева Р. С. Роль языка в процессе межкультурной коммуникации.....	184
Ибадуллаев Ф. Ф. Роль стратегий обучения в изучении иностранных языков	186
Латипов А. А. Фазовая характеристика и система аспектуальных значений.....	188
Мещеряков В. Б., Кутенева И.Е. Междисциплинарный характер обучения в процессе подготовки будущих менеджеров к межкультурному взаимодействию в предметно-языковом интегрированном обучении	191
Мирзоаминова М. А Фразеологизмы современного русского языка со словом «хлеб/ нон» в русском и таджикском языках.....	195
Насруллаева Н. З. Стилистические особенности фразеологических единиц в художественном тексте.....	199
Насруллаева М.С. Преподавание детей английскому языку и ошибки в обучении.....	201
Нестеров А. П. О конкретности/абстрактности значения лексической единицы.....	203
Окбутаев Т.Х. Working on the lexic methodology at higher education.....	206
Саидов К. К. Методы и приемы обучения иностранному языку.....	207
Синдарова Д. Н, Ачилова Г. Б. Преимущества электронного обучения.....	209